

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Ҳ У К М

2020 йил февраль ойининг 18 куни жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида, шаҳар судининг раиси Б.Таваккаловнинг раислигида, Д.Абдуллажановнинг котиблигида, тарафлардан Наманган шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Н.Атакузиевнинг иштирокида, фуқаровий даъвогар вакили Н.Исаков ва судланувчи А.А.Хнинг қатнашувида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 1-қисми билан судланувчи А.А.Хни айбланиш ҳақидаги 1-1601-2001/52-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Судланувчи А.А.Х – 12.04.1976 йилда Наманган шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 4 нафар фарзанди бор, “WILD FOREST INVEST” МЧЖ раҳбари, муқаддам 27.06.1994 йилда Наманган шаҳар суди томонидан Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 125-моддаси 3-қисми ва 218-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 40-моддаси тартибида 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, судланганлик муддати ўтган, Наманган шаҳри, “Юқори Ғирвон” МФЙ, Ғирвонбулоқ кўчаси, 23-уйда яшаган, иш бўйича 13.01.2020 йилдан қамоқда, айблов ҳулосаси нусхасини 07.02.2020 йилда олган.

Суд судланувчи, фуқаровий даъвогар вакили ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, давлат айбловчисининг фикрини, судланувчининг ҳимоя, музокара ва охириги сўзларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи А.А.Х “WILD FOREST INVEST” МЧЖни 28.01.2019 йилда ташкил этиб, жамият раҳбари бўлгани ҳолда жамият Низомига кўра экспорт-импорт амалиёти, чакана-улгуржи савдо билан шуғулланиши лозим бўлсада, жамиятга 2019 йил февраль-август ойлари давомида 1.933.966,6 минг сўм миқдорда ёғоч ва буғдой маҳсулотларини импорт шартномалари асосида олиб келиб, ушбу маҳсулотларни бирор-бир ҳужжатсиз сотиб юбориб, тушган пул маблағларини ҳисоб-рақамига кирим қилмасдан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 351-моддаси талабларига кўра, ягона солиқ тўловига ўтиш учун ДСИ органларига хабарнома тақдим этиши лозим бўлсада, солиқ органига хабарнома тақдим этмасдан, қўшилган қиймат солиғи учун белгиланган 20 фоизли ставкада жами 386.793,3 минг сўм миқдордаги қўшилган қиймат солиғи тўловларини тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Шунингдек, судланувчи А.А.Х, юқоридаги 1.933.966,6 минг сўмлик импорт шартномалари асосида олиб келинган ёғоч ва буғдой маҳсулотларини нақд пулга сотиб юбориб сотувдан тушган пул маблағларини НКМга кирим қилмасдан ва банк муассасасига топширмасдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 17.11.2011 йилдаги “Фиксал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланишининг янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 306-сонли ва 05.08.2002 йилдаги “Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 280-сонли қарорлари талабларига зид равишда, нақд



пул маблағларини банкдан ташқари айланмасини амалга ошириб, товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузган.

Судланувчи А.А.Х судда айбига қисман иқрорлигини бидириб, ҳақиқатдан ҳам 28.01.2019 йилда “WILD FOREST INVEST” МЧЖни давлат рўйхатидан ўтказиб, ўзи раҳбарлик қилгани, барча ишларини ўзи амалга оширгани, жамиятнинг асосий фаолияти экспорт-импорт билан шуғулланиш бўлиб, 2019 йил февраль-август ойларида Қозоғистон Республикасидан буғдой, Россия давлатидан ёғоч маҳсулотлари олиб келгани, бу маҳсулотларни нақд пулга олиб келиб харидорларга сотиб юборгани, сотувдан тушган маблағларни НКМга кирим қилмасдан, жамият ҳисоб-рақамига ўтказмасдан, эҳтиёжлари чун ишлатиб юборгани, сабаби олиб келинган ёғоч маҳсулотлари сифати бузилиб қолгани учун таниши М.Фазлиддиновга шартнома асосида ўтказиб бергани, бироқ М.Фазлиддинов ҳам ёғочларни сота олмаганидан кейин ёғоч маҳсулотларини ундан қайтариб олиб, арзон нархларда ўзи сотиб юборгани, МЧЖни ташкил этишда солиқ тўлови турини белгиламасдан хатоликка йўл қўйганлиги, текширишда жами 386.793,3 минг сўм қўшилган қиймат солиғидан қарздор бўлиб чиққани, бироқ ушбу зарарни тўлаш имконияти йўқлиги, 4 нафар фарзандлари борлиги, шароити оғирлигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўради.

Судланувчи А.А.Хнинг айби ўзининг қисман иқрор бўлиб берган кўрсатмасидан ташқари қуйидаги далиллар билан ҳам тасдиғини топган:

Жумладан судда сўралган фуқаровий даъвогар вакили Н.Исақов Наманган шаҳар ДСИнинг “Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар билан ишлаш шўъбаси”да катта инспектор бўлиб ишлашлиги, судланувчи А.А.Х “WILD FOREST INVEST” МЧЖни 2019 йил 1 февралдан 2019 йил 1 сентябрь кунига қадар амалга оширган фаолияти учун Наманган шаҳар ДСИга тақдим этган ҳисоботлари бўйича чакана савдо фаолияти юзасидан 1.985.983,1 минг сўм товар айланмаси амалга оширганлигини кўрсатгани, ягона солиқ тўлови учун белгиланган 4 фоизли ставкада 79.439,3 минг сўм ҳисоблаб, ҳисобот тақдим этгани, Солиқ кодексининг 351-моддасида МЧЖ, яъни юридик шахс ташкил этишда давлат рўйхатидан ўтаётганда солиқ тўлови тартибини танлаши, бу ҳақда 10 кун ичида солиқ органини хабардор қилиши кўрсатилган бўлсада, судланувчи хабарнома юбормагани, бунинг натижасида 20 фоизли ставкада солиқ ҳисоблангани, божхона маълумотлари ва банк айланмаларига кўра 2019 йил 9 ойи якуни бўйича 386.793,3 минг сўм қўшилган қиймат солиғи ҳисоблангани, ҳозирда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бўлган қарздорлик бартараф этилмаганлигини билдириб, ушбу суммани судланувчидан Наманган шаҳар ДСИ фойдасига ундириб беришни сўради.

Гувоҳ О.Номанов, судланувчи А.А.Х раҳбарлик қилган “WILD FOREST INVEST” МЧЖни 2019 йил 9 ойлик фаолияти юзасидан қонунда кўрсатилган тартибда текшириш ўтказилгани, унга кўра жамият импорт-экспорт фаолияти билан шуғулланиб, чет давлатлардан ёғоч ва буғдой маҳсулотлари олиб кириб, чакана нархларда белгиланмаган жойларда сотиб юбориб, сотувдан тушган пул маблағларини НКМга кирим қилмасдан, банк муассасасига топширмаганлиги, давлат рўйхатидан ўтишда солиқ тўлови тартибини белгиламаганлиги, бу ҳақда ДСИга хабарнома бермаганлиги, бухгалтерия, шунингдек жамиятнинг ашхослари ва ташкилотлар билан молиявий алоқалари юзасидан ҳужжатларни



юритмаганлиги, ўтказилган текширишда уларни тақдим эта олмагани, шу сабабли жамиятнинг дебитор ва кредитор қарздорлигини аниқлашнинг имконияти бўлмагани, ўзи тақдим этган ҳисоботлари бўйича ҳисоб-китоб қилиниб, жами 386.793,3 минг сўм қўшилган қиймат солиғидан қарздорлиги мавжудлиги аниқланганини баён этди.

Гувоҳ Ш.Нурматов гувоҳ О.Номановнинг кўрсатмасига ўхшаш кўрсатма бериб ўтди.

Гувоҳ И.Устабаев, Наманган вилояти Божхона бошқармаси “Божхона тўловлари” бўлими катта инспектори бўлиб ишлашлиги, судланувчи А.А.Х раҳбарлигида бўлган “WILD FOREST INVEST” МЧЖ томонидан 2019 йил давомида четдан божхона орқали 25 партиядо товарлар олиб келингани, божхона томонидан ушбу МЧЖга ҳеч қандай божхона имтиёзлари қўлланилмаганлигини баён этди.

Судланувчи А.А.Хнинг айби юқоридаги кўрсатмалардан ташқари, кўрсатмаси суд мажлисида ўқиб эшиттирилган гувоҳ М.Фазлиддиновнинг кўрсатмаси (и.в. 324-328), жиноят ишидаги маълумотнома, ҳисобот кўчирмалари, тушунтириш хатлари (и.в. 4-100), текшириш далолатномаси, шартномалар ва банк ўтказмалари (и.в. 137-212), тинтув баённомалари (и.в. 272-275) ва бошқа далиллар йиғиндиси билан ҳам тўлиқ исботланган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи А.А.Хнинг жуда кўп миқдорда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш ва савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузишда ифодаланган жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи А.А.Хга нисбатан жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йилдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандидаги судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандидаги Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунтиришларга амал қилиб, унга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда айбига иқрорлиги, қарамоғида 4 нафар фарзандлари борилиги ва яшаш жойидан ижобий тавсифланганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни қасддан содир этганлиги ва жиноят натижасида етказилган зарарлар қопланмаганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, у айбли деб топилаётган ЖКнинг 184-моддаси бўйича модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини, ЖКнинг 189-моддаси бўйича модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида жазоларни қисман қўшиб, узил-кесил ўташ учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топди.

Шунингдек суд, моддий зарар масаласини муҳокама қилиб, жиноят натижасида етказилган зарарлар қопланмаганлигини инобатга олиб,



судланувчидан Наманган шаҳар ДСИ фойдасига 386.793,3 минг сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундиришни лозим топди.

Суд юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, ҳукм қилади

Ҳ У К М :

Судланувчи А.А.Х Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилсин.

Унга нисбатан

Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисми билан 3 (уч) йил 6 (олти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси;

Жиноят кодексининг 189-моддаси 1-қисми билан ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазоларни ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида қисман қўшиб, узил кесил ўташ учун 4 (тўрт) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо манзил тартибли колонияларда ўтатирилиб, жазони ўташ муддати 2020 йил 13 январь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи А.А.Хга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси аслича қамоқда қолдирилсин.

Судланувчи А.А.Хдан Наманган шаҳар ДСИ фойдасига 386.793.300 сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ундирилсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва фуқаровий даъвогар вакили ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судига апелляция тартибида, қайд этилган муддат ўтгач кассация тартибида шикоят ва протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:

